

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2014 йил “ 5 ” декабр
5 -сон билан
«Рўйхатга олинди»



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раёсининг биринчи ўринбосари
У.М. Мустафоев

“КДБ Банк Ўзбекистон”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

УСТАВИ

ТАСДИҚЛАНДИ:
Акциядорларнинг навбатдан
ташқари умумий йнгилишининг
2014 йил 12 ноябрдаги Баённомаси

Банк Кенгашининг Раиси



МУНДАРИЖА

1.	САРЛАВҲАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР	5
1.1.	Сарлавҳалар	5
1.2.	Ҳаволалар	5
1.3.	Сон	5
1.4.	Таърифлар	5
2.	БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ, НОМИ ВА МАНЗИЛИ	7
2.1.	Банк акциядорлари	7
2.2.	Банк номи	7
2.3.	Банк жойлашган ери (почта манзили), корпоратив веб-сайти ва электрон почта манзили	8
3.	БАНКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ	8
3.1.	Банк ҳуқуқий мақоми	8
3.2.	Фаолият кўрсатиш асослари	8
3.3.	Чекланган масъулият	8
3.4.	Банк ҳуқуқлари	8
3.5.	Иқтисодий мустақиллик	8
3.6.	Амалдаги қонунларга бўйсуниш	8
3.7.	Муҳр	8
3.8.	Фаолият кўрсатиш муддати	8
4.	БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ; ФАОЛИЯТИ	8
4.1.	Банк фаолиятининг мақсади	8
4.2.	Банк фаолияти	8
4.3.	Таъқиқланган фаолият	10
4.4.	Давлат идораларининг руҳсатномалари	10
5.	БАНК АКЦИЯЛАРИ ВА УСТАВ КАПИТАЛИ	10
5.1.	Акцияларни эмиссия қилиш (чиқариш) ҳуқуқи	10
5.2.	Банк устав капитали. Чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар	10
5.3.	Оддий акциялар	10
5.4.	Банк устав капиталининг оширилиши ва камайтирилиши	10
5.5.	Акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ	10
6.	АКЦИЯЛАРНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ	11
6.1.	Акцияларнинг ўтказилишда имтиёзли ҳуқуқлар	11
6.2.	Акциядорлар реестри	11
7.	ФОЙДАНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ	11
7.1.	Фойданинг тақсимланиши	11
7.2.	Дивиденд	11
7.3.	Заҳира фонди	12
7.4.	Бошқа фондлар	12
8.	АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	12
8.1.	Акциядорнинг ҳуқуқлари	12
8.2.	Оддий акциялар эгалари бўлмиш акциядорларнинг ҳуқуқлари	12
8.3.	Акциядорнинг мажбуриятлари	12
8.4.	Ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи	12
9.	КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	13
9.1.	Корпоратив Бошқарув органлари	13
10.	АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ	13
10.1.	Акциядорларнинг умумий йиғилиши	13
10.2.	Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси	13
10.3.	Овоз бериш	14

10.4.	Кворум	14
10.5.	Ишончнома	14
10.6.	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари	14
10.7.	Хабарнома ва кун тартиби	15
10.8.	Акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси	16
10.9.	Санок комиссияси	16
11.	БАНК КЕНГАШИ	16
11.1.	Банк Кенгаши	16
11.2.	Банк Кенгашининг таркиби	16
11.3.	Банк Кенгашининг ваколатлари	17
11.4.	Овоз бериш	18
11.5.	Кворум	18
11.6.	Ҳақ	18
11.7.	Лавозимдан олиш ва бўш ўринлар	18
11.8.	Мажлислар	18
11.9.	Регламент ва хабарномалар	18
11.10.	Банк Кенгашининг Раиси	18
11.11.	Банк Кенгашининг котиби	19
11.12.	Ҳаражатлардан ва масъулиятлардан ҳимоя қилиш	19
12.	ТАФТИШ КОМИССИЯСИ	19
12.1.	Тафтиш комиссияси	19
12.2.	Тафтиш комиссияси фаолияти	19
12.3.	Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	19
13.	БОШҚАРУВ, БОШҚАРУВ РАИСИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ ВА ХОДИМЛАР	20
13.1.	Бошқарув	20
13.2.	Бошқарув аъзоларини тайинлаш	20
13.3.	Бошқарув масъулиятлари	20
13.4.	Бошқарув Раисининг ваколатлари	20
13.5.	Бошқарув аъзоларининг масъулиятлари	21
13.6.	Ходимлар	21
14.	БАНКНИНГ ТУЗИЛИШИ	21
14.1.	Банкнинг тузилиши	21
14.2.	Банкнинг филиаллари	21
15.	ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ	21
15.1.	Ички аудит хизмати	21
15.2.	Ички аудит хизматининг мажбуриятлари	22
15.3.	Аудиторлик ташкилоти	22
16.	БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ, ҲИСОБОТ ВА НАЗОРАТ	22
16.1.	Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи, ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатлари	22
16.2.	Молиявий йил	22
16.3.	Ички назорат	22
16.4.	Йиллик бизнес-режа	22
16.5.	Йиллик молиявий ҳисобот	23
16.6.	Бошқа ҳисоботлар	23
17.	БАНКНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ	23
17.1.	Банкнинг қайта ташкил этилиши	23
17.2.	Банкнинг тугатилиши	23

17.3.	Банкни ихтиёрий тартибда тугатиш	23
17.4.	Тугатиш комиссияси	23
17.5.	Тугатиш баланси	24
17.6.	Банк фаолиятининг тўхтатилиши	24
18.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	24
18.1.	Ҳуқуқий ворислик	24
18.2.	Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар	24
18.3.	Уставнинг мажбурийлиги	25
18.4.	Тартибга солувчи қонунчилик	25
18.5.	Уставнинг тили	25
18.6.	Хабарнома	25
1-илова	“КДБ Банк Ўзбекистон” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ	26

1. САРЛАВҲАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. Сарлавҳалар. Мазкур Уставнинг бўлимлари ва бандларига берилган таърифий сарлавҳалар фақат қулайлик мақсадларидагина берилган бўлиб, ундаги бирор-бир қонданинг маъноси ва талқинини белгилаб бермайди ва унга таъсир қилмайди.

1.2. Ҳаволалар. Мазкур Уставдаги бўлимлар ва бандларга бўлган барча ҳаволалар ундаги бўлимлар ва бандларга тегишли бўлади.

1.3. Сон. Матнда бирлик сондаги кўрсатилган атамаларнинг мазмуни тегишли атамаларнинг кўплик сонига тааллуқли бўлади, ва аксинча.

1.4. Таърифлар. Мазкур Уставда кўзда тутилган атамалар қуйидаги таърифларга эга:

- 1) **“Банк Фаолияти”** 4.2-бандда берилган маънони билдиради.
- 2) **“Йиллик бизнес-режа”** 16.4-бандга мувофиқ ишлаб чиқилган ва тайёрланган йиллик режани билдиради.
- 3) **“Йиллик молиявий ҳисобот”** 16.5-бандда берилган маънони билдиради.
- 4) **“Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши”** 10.1-бандда берилган маънони билдиради.
- 5) **“Амалдаги қонунчилик”** Банкка нисбатан қўлланиладиган ва унинг фаолиятини тартибга соладиган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси имзолаган халқаро шартномаларни англатади
- 6) **“Банк”** Акциядорлик Жамияти шаклида ташкил этилган “КДБ Банк Ўзбекистон” Акциядорлик Жамиятини билдиради.
- 7) **“Бошқарув”** 13.1-бандда берилган маънони билдиради.
- 8) **“Бошқарув аъзолари”** 13.1-бандда берилган маънони билдиради.
- 9) **“Бошқарув кузатувчилари”** Бошқарув Раиси томонидан тайинладиган банк операциялари бўйича асосий масъулиятларга эга бўлган шахсларни билдиради. Бошқарув кузатувчилари Бошқарув мажлисларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этадилар.
- 10) **“Фаолият мақсади”** 4.1-бандда берилган маънони билдиради
- 11) **“Марказий банк”** Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкни билдиради.
- 12) **“Бошқарув Раиси”** 13.1-бандда берилган маънони билдиради.
- 13) **“Акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси”** 10.8-бандда берилган маънони билдиради.
- 14) **“Банк Кенгашининг Раиси”** 11.10-бандда берилган маънони билдиради.
- 15) **“Устав”** барча тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан биргаликдаги мазкур Уставни билдиради.
- 16) **“Устав капитали”** Банк акциядорлари томонидан олинган Банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топадиган капитални билдиради.
- 17) **“Оддий акциялар”** эгасига акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши, шунингдек дивидендлар олиш, Банк тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Банк мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлган акцияларни билдиради.
- 18) **“Бадал”** жойлаштириладиган акциялар эвазига тўланадиган пул маблағларини билдиради.
- 19) **“Депозит”** тўлиқ қайтарилиш, фоизли ёки фоизсиз, биринчи талабга кўра ёки депозитор ва Банк орасида (ёки уларнинг қонуний вакиллари орасида) келишиладиган муддатда қайтарилиши шартлари асосида депозитор томонидан Банкка берилладиган исталган пул маблағини билдиради.
- 20) **“Депозитор”** Банкка депозит қўйган жисмоний ёки юридик шахсни билдиради.
- 21) **“Дивиденд”** 7.2-бандда берилган маънони билдиради.
- 22) **“Ходимлар”** Банк ишга қабул қиладиган жисмоний шахсларни, шу жумладан Бошқарув аъзоларини билдиради, бунда Банк Кенгашининг аъзолари ходимлар ҳисобланмайди.

- 23) «**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши**» 10.6-банда берилган маънони билдиради.
- 24) «**Молиявий йил**» 16.2-бандда берилган маънони билдиради.
- 25) «**Эркин айирбошладиган валюта**» мунтазам квоталанадиган ҳамда унда халқаро валюта бозорларида савдо операциялари амалга ошириладиган исталган валютани билдиради.
- 26) «**Акциядорларнинг умумий йиғилиши**» 10.1-бандда берилган маънони билдиради.
- 27) «**Давлат идораларининг рухсатномалари**» тегишли давлат идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида тегишли равишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ бериладиган исталган ва барча лицензиялар, рухсатномалар, маъқуллашлар ва бошқа ваколатларни билдиради.
- 28) «**Банк битим тузишидан манфаатдор шахслар**» Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 85-моддасида кўрсатиб ўтилган **аффилиланган шахсларни** билдиради.
- 29) «**Банкнинг аффилиланган шахслари билан битим тузиш**» Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунининг 88-моддасида белгиланган «Банкнинг аффилиланган шахслари билан битим»ни маъқуллашни билдиради.
- 30) «**Ички аудит хизмати**» 15.1-бандининг 1) кичик бандида берилган маънони билдиради.
- 31) «**Ички назорат**» 16.3-бандда берилган маънони билдиради.
- 32) «**Бухгалтерлик ҳисобининг халқаро стандартлар**» бухгалтерлик ҳисоби стандартларининг халқаро қўмитаси томонидан белгиланадиган, изчил қўлланиладиган бухгалтерлик ҳисоби стандартларини билдиради.
- 33) «**Жойлаштирилган акциялар**» Акциядорлар томонидан сотиб олинган акцияларни билдиради.
- 34) «**КТБ**» Корея Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тузилиб, фаолият юритаётган, юридик манзили: 14 Еунхаенг-ро, Янгдунгпо-гу, Сеул 150-973, Корея (14 Eunhaeng-ro, Youngdeungpo-gu, Seoul 150-973, Korea), Корея давлат банки бўлган Корея Тараққиёт Банкни билдиради.
- 35) «**Йирик битим**» Банк томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг ўн беш (15) фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.
- 36) «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун**» Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонунини билдиради.
- 37) «**Тугатиш комиссияси**» 17.4-бандининг 1) кичик бандида берилган маънони билдиради.
- 38) «**Тугатиш баланси**» 17.5-бандининг 1) кичик бандида берилган маънони билдиради.
- 39) «**Кўпчилик овоз**» овозларнинг бирор масала бўйича овоз беришда қонуний иштирок этаётган акциядорлар овозларнинг эллик (50) фоизи ва унга қўшилган бир овозга тенг бўлган овозлар кўпчилигини ёки ундан ортиғини(оддий кўпчилик) билдиради.
- 40) «**Банк Кенгашининг мажлиси**» 11.8-бандда берилган маънони билдиради.
- 41) «**Банк Кенгашининг аъзоси**» 11.2-бандда берилган маънони билдиради.

- 42) “ТИФ МБ” Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият юритаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент, А. Темур кучаси, 101-уй юридик манзили бўйича жойлашган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкини билдиради.
- 43) “Аудиторлик ташкилоти” 15.3-бандда берилган маънони билдиради.
- 44) “Заҳира фонди” 7.3-бандда берилган маънони билдиради.
- 45) “Тафтиш комиссияси” 12.1-бандда берилган маънони билдиради.
- 46) “Банк Кенгашининг котиби” 11.11-бандда берилган маънони билдиради.
- 47) “Акция” Банк томонидан чиқарилган, қиймати тўланган акцияни англатади.
- 48) “Акциядор” Банкнинг акциядорини билдиради.
- 49) “Акциядорлар реестри” 6.2-бандда берилган маънони билдиради.
- 50) “Сўм” Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини билдиради.
- 51) “Сўмдаги эквивалент” маълум эркин айирбошланадиган валютада кўрсатилган маблағнинг сўмдаги эквиваленти бўлган ҳамда икки валюта орасида Марказий банк томонидан белгиланадиган ва кўрсатилган санада амал қиладиган алмашув курсидан келиб чиқиб аниқланадиган маблағни билдиради.
- 52) “Банк Кенгаши” 11.1-бандда берилган маънони билдиради.
- 53) “Худудий бошқармалар” тузилишига кўра Банк филиаллардан катта ва уларни бошқарадиган Банкнинг жойлардаги бўлимларини билдиради.
- 54) “Ўтказиш” бевосита ёки билвосита сотиш, топшириш, ўтказиш ёки бошқа бир усул билан тасарруф этиш, гаровга қўйиш ёки ҳар қандай қарзни юклаш, ёки бунга рухсат беришни билдиради.
- 55) “Турон банк” Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил қилинган ва акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётган ва Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри 100011, Абай кўчаси, 4а-уй юридик манзили бўйича жойлашган акциядорлик тижорат “Турон банк”ни билдиради.

2. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ, НОМИ ВА МАНЗИЛИ

2.1. Банк акциядорлари. Банк акциядорлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Номи	Рўйхатга олинган оддий акциялар сони	Банкнинг Устав капиталдаги улуши
КТБ	226 211 000	86,32%
ТИФ МБ	27 017 000	10,31%
Турон банк	8 838 000	3,37%
Жами	262 066 000	100%

2.2. Банк номи. Банкнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида (кирилл алифбосида) – «КДБ Банк Ўзбекистон» Акциядорлик Жамияти;
 Ўзбек тилида (лотин алифбосида) – «KDB Bank O'zbekiston» Aksiyadorlik Jamiyati;
 Рус тилида – Акционерное Общество «КДБ Банк Узбекистан»;
 Инглиз тилида – Joint Stock Company «KDB Bank Uzbekistan».

Банкнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида (кирилл алифбосида) «КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ;
 Ўзбек тилида (лотин алифбосида) «KDB Bank O'zbekiston» AJ;
 Рус тилида – АО «КДБ Банк Узбекистан»;
 Инглиз тилида – JSC «KDB Bank Uzbekistan».

3.3. Банк жойлашган ери (почта манзили), корпоратив веб-сайти ва электрон почта манзили.

Банк жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 32 уй.

Банк корпоратив веб-сайти: www.kdb.uz

Банк электрон почта манзили: info@kdb.uz

3. БАНКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1. Банкнинг ҳуқуқий мақоми. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятининг мақомига эга юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик сармоялари бўлган акциядорлик жамиятларига ва банкларга бериладиган барча ҳуқуқлар, имтиёзлар, концессиялар, озод этишлар, шунингдек шартларни қўлланилмаслиги ҳуқуқидан фойдаланади.

3.2. Фаолият кўрсатиш асослари. Банк амалдаги қонунчилик, мазкур Устав ва йиллик бизнес-режага мувофиқ иш юритади ва фаолият кўрсатади, унинг хўжалик фаолияти уларга мувофиқ амалга оширилади.

3.3. Чекланган масъулият. Банк ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бутун мол-мулки билан жавобгар бўлади. Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнлар таваккалчилигини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида ўз зиммаларига оладилар. Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Акциядорлар билан ёзма шаклда бошқача тартиб келишилмаган ва бажарилиши мажбурий бўлмаган бўлса, акциядорлар бирор-бир бошқа акциядорнинг қарзлари ва мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва акциядор мазкур Уставда кўзда тутилмаган ҳолда қўшимча акцияларга ёзилишга ёки Банкдаги сармояларни оширишга мажбур эмас.

3.4. Банк ҳуқуқлари. Банк ўз фаолиятини Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

3.5. Иқтисодий мустақиллик. Банк мустақил балансга эга ва ўз-ўзини қоплаш ҳамда ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида фаолият юритади.

3.6. Амалдаги қонунларга бўйсиниш. Банк ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

3.7. Мухр. Банк Бошқарув томонидан тасдиқланадиган муҳр, банк номи мавжуд бланклари ва маҳсулот белгиларига эгадир

3.8. Фаолият кўрсатиш муддати. Банк, агар унинг фаолияти мазкур Уставнинг 17-бўлими асосида тугатилмаса, чекланмаган муддатга ташкил этилади.

4. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ; ФАОЛИЯТИ

4.1. Банк фаолиятининг мақсади. Банк фаолиятининг мақсади («Банк фаолиятининг мақсади») фойда олиш асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва унинг ташқарисида қонунчиликда белгиланган ҳар қандай банк фаолияти ва бошқа турдаги фаолиятни ҳамда унга тааллуқли хизматларни амалга оширишдир.

4.2. Банк фаолияти. Мазкур Уставнинг 4.1-бандида кўрсатилган умумий фаолият мақсадини чекламаган ҳолда, Банк ўз фаолиятининг бутун муддати давомида қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга («Фаолият»):

1) Даромад олиш;

2) Банк хавфларини бир ёки бир нечта суғурта компанияларида суғурта қилиш;

3) Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасида филиаллар ва тобе корхоналарни тузиш, шунингдек чет элда шуъба банклари ва ваколатхоналарини очиш, чет эл банкларнинг тузилишида иштирок этишга ҳақлидир

- 4) Эркин айирбошланадиган валютада ва сўмда банк ва корпорациялараро кредитларини ва депозитларини қабул қилиш ва улардан фойдаланиш;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг ягона банк тизимида иштирок этиш, жумладан, Марказий Банкнинг топшириғига кўра давлат бюджетининг касса операцияларини бажариш;
- 6) Сўмда ва эркин айирбошланадиган валютада чек ва бошқа банк ҳисоб рақамларини очиш ва улардан фойдаланиш;
- 7) Ҳисоб рақамларини очиш, сўмда ва/ёки чет эл валютасида шахсий ва бошқа турдаги ҳар қандай турдаги депозитларни очиш;
- 8) Сўмда, шунингдек эркин айирбошланадиган валютада заёмлар ва кредитлар бериш;
- 9) (Марказий Банк орқали) музокаралар олиб бориш ва ўтказиладиган векселлар, юк жўнатиш ҳужжатлари, фоизли купонлар ва дивиденд купонлари, шунингдек бошқа айланма кредит-пул ҳужжатлар ва тижорат қимматли қоғозларининг тўловларини, чегирмаларини ҳисобга ва қайта ҳисобга олинишини амалга ошириш;
- 10) Банк мижозлари ва вакил банклар номидан ҳисоб рақамларини бошқариш;
- 11) воситачилик ҳақи эвазига мижозларнинг активларни бошқариш;
- 12) қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, сақлаш, Банк мижозлари билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган бошқа операцияларни амалга ошириш;
- 13) Учинчи шахслар фойдасига кафолатлар ва бошқа мажбуриятлар бериш ва (ёки) расмийлаштириш;
- 14) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказий банкнинг лицензиясига мувофиқ чет эл валютасини (давлат ичида ёки ундан ташқарида) сотиш ва сотиб олиш, қимматбаҳо металллар билан банк операцияларини амалга ошириш;
- 15) Сўмда ва (ёки) эркин айирбошланадиган валютада дебет ва (ёки) кредит карточкаларини бериш, кредит карточкаларини тўлаш мақсадида агент сифатида фаолият кўрсатиш;
- 16) Дебиторлик қарзини олдиндан тўлаш юзасидан хизматлар кўрсатиш, маҳсулотларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш натижасида юзага келадиган талаб қилиш ҳуқуқини олиш, факторинг ва форфейтинг каби талабларни бажариш ва (ёки) инкассация қилиш билан боғлиқ бўлган таваккалчиликларни қабул қилиш;
- 17) Пул маблағлари, айланма кредит-пул ҳужжатлари, барча турдаги қимматли қоғозлар ва бойликларни сақлаш, шунингдек сейфларни ижарага бериш;
- 18) Акциядорлик жамиятларининг акцияларига обуна бўлиш ва уларни тақсимлаш, исталган мулк шаклидаги юридик шахслар орасида жойлаштириладиган облигациялар бўйича қарзларда иштирок этиш ва (ёки) уларга хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси давлат заемлари бўйича иштирок этиш ва (ёки) уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек халқаро ташкилотларнинг кредитлари бўйича воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- 19) Халқаро валюта бозорларида валюта битимларини амалга ошириш;
- 20) Молиявий ёки банк фаолияти масалалари юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг жамғармалари ёки активларини бошқариш мақсадлари учун хизматлар кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ёки ёрдам кўрсатиш;
- 21) Лизингнинг барча турларини амалга ошириш;
- 22) Ўзбекистон Республикасининг тўлов ҳужжатларини ва қимматли қоғозларини сотиб олиш, сотиш ва сақлаш, шунингдек улар билан боғлиқ бўлган битимларни амалга ошириш;
- 23) Барча траст фаолиятларини амалга ошириш;
- 24) Ходимларни ўқитиш;
- 25) Депозиторлар ва қарз олувчилар билан келишув асосида депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш;

- 26) Мижозларга кўрсатиладиган хизматлар учун воситачилик ҳақлари миқдорини мустақил белгилаш; ва
- 27) Амалдаги қонунчилик билан рухсат этиладиган бошқа фаолиятни амалга ошириш.
- 4.3. Тақиқланган фаолият. Банк амалдаги қонунчиликда билан тақиқланган фаолият билан шуғулланмайди.
- 4.4. Давлат идораларининг рухсатномалари. Агар фаолиятнинг бирор-бир турини амалга ошириш учун давлат идораларининг рухсатнома (лицензия) лар лозим бўлса, Банк шундай фаолиятни ушбу рухсатнома (лицензия) ларни олганидан сўнг амалга оширади.

5. БАНК АКЦИЯЛАРИ ВА УСТАВ КАПИТАЛИ

5.1. Акцияларни эмиссия қилиш (чиқариш) ҳуқуқи. Банк оддий акцияларни эмиссия қилиши ва жойлаштириши мумкин.

5.2. Банк устав капитали. Чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар. Банкнинг устав капиталининг миллий валютадаги қиймати 38 950 869 580 (ўттиз саккиз миллиард тўққиз юз эллик миллион саккиз юз олтмиш тўққиз минг беш юз саксон) сўмни ташкил этиб, мазкур устав капитали миқдори 17 438 247 144,67 (ўн етти миллиард тўрт юз ўттиз саккиз миллион икки юз қирқ етти минг бир юз қирқ тўрт сўм олтмиш етти тийин) сўмдан ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига деноминация қилинган 30 229 254,22 (ўттиз миллион икки юз йигирма тўққиз минг икки юз эллик тўрт АҚШ доллари ва йигирма икки цент) АҚШ доллардан иборат ҳамда ҳар бирининг номинал қиймати 148,63 (бир юз қирқ саккиз сўм олтмиш уч тийин) сўмга тенг 262 066 000 (икки юз олтмиш икки миллион олтмиш олти минг) дона оддий акциялардан ташкил топади.

1) Банк устав капиталидаги акциядорларнинг улушлари қўйидагича:

а. КТБ улуши – 226 211 000 дона оддий акцияга тенг бўлиб, Банк устав капиталининг 86,32 фоизини ташкил этади;

б. ТИФ МБ улуши – 27 017 000 дона оддий акцияга тенг бўлиб, Банк устав капиталининг 10,31 фоизини ташкил этади;

в. Турон банк улуши – 8 838 000 дона оддий акцияга тенг бўлиб, Банк устав капиталининг 3,37 фоизини ташкил этади.

5.3. Оддий акциялар.

1) Ҳар бир оддий акция бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

2) Банк томонидан сотиб олинган акциялар акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас ва уларга дивидендлар тўланмайди.

3) Ҳар бир оддий акция битта овозга эга.

5.4. Банк устав капиталининг оширилиши ва камайтирилиши.

1) Банк Кенгашининг қарори билан Банк устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

2) Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан Устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш, жумладан кейинчалик ҳисобдан чиқариш шarti билан Банк томонидан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. Устав капиталини камайтиришга доир қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинган санага Банкнинг бажарилмаган қарз ва бошқа мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнггина ижро этилиши мумкин, Банк кредиторларининг ёзма розилиги олинган ҳолатлар бундан мустасно.

5.5. Акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ

1) Банк томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилган тақдирда, ҳар бир акциядор сотилаётган акцияларни ўзининг мутаносиб улуши миқдорида

имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадир.

2) Банк қўшимча акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига уларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган банкнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни таклиф этади.

3) Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

6. АКЦИЯЛАРНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ

6.1. Акцияларнинг ўтказилишда имтиёзли ҳуқуқлар.

1) Банкнинг акциядорлари бошқа акциядорлар томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, акциядорларнинг ҳар бирига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда олиш (имтиёзли) ҳуқуқига эга. Агар Банкнинг бошқа акциядорлари ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлса, банкнинг акциядорлари сотаётган акцияларни олишда банк имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри ёхуд банк орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

2) Акциядорлар сотаётган акцияларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муддати акциялар сотувга қўйилган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.2. Акциядорлар реестри. Акциядорлар реестрини шакллантириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

7. Фойданинг тақсимланиши

7.1. Фойданинг тақсимланиши. Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан ҳамда бошқа ажратмалар ўтказилгандан кейин қолган фойда Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарори асосида тақсимланади. Акциядорларининг умумий йиғилиши фойдани тақсимлаш тартибини белгилайди.

7.2. Дивиденд. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивиденд Банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

1) Дивидендлар, акциядорлар ўртасида акциядорларга тегишли акцияларига мутаносиб равишда тақсимланади. Дивидендлар Банк Кенгаши тавсияномаси асосида молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотларига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланади.

2) Банк Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

7.3. Заҳира фонди. Банк Устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида заҳира фондиди («Заҳира фонди») ташкил этади ва Банкнинг заҳира фонди Банк уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 5 (беш) фоизи миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Банкнинг заҳира фонди Банкнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун ишлатилиши мумкин.

7.4. Бошқа фондлар. Акциядорларнинг умумий йиғилиши бошқа фондларнинг тузилиши ва уларга Банк соф фойдаларидан ажратмалар тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

8. АКЦИЯДОРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Акциядорнинг ҳуқуқлари. Ҳар бир акциядорнинг ҳуқуқларига Банк акциялари томонидан берилган қуйидаги ҳуқуқлар киради:

- 1) Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;
- 2) Депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- 3) Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- 4) Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- 5) акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- 6) Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- 7) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- 8) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- 9) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- 10) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- 11) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.
- 12) Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.2. Оддий акциялар эгалари бўлмиш акциядорларнинг ҳуқуқлари. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар амалдаги Қонунчилик ва Банк уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши, шунингдек дивидендлар олиш, Банк тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Банк мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

8.3. Акциядорнинг мажбуриятлари. Ҳар бир акциядорнинг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- 1) Мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда улушларни киритиш;
- 2) Мазкур Уставнинг 6.2-бандида кўрсатилган маълумотларни Банкка тақдим этиш; ва
- 3) Банк ва тижорат сирлари ҳамда бошқа махфий маълумотларни ошкор қилмаслик

8.4. Ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи. Банк акциядорларининг ҳуқуқлари уларга бошқа акциядорлар ёки банк номидан ҳаракат қилиш ҳамда бурч ва мажбуриятларни қабул қилишни ўз ичига олмайди.

9. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

9.1. Корпоратив Бошқарув органлари. Банкнинг бошқарув органлари қуйидагилардан ташкил топади:

- 1) Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- 2) Банк Кенгаши;
- 3) Банк Бошқаруви.

10. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг олий Бошқарув органи ҳисобланади. Ҳар бир молиявий йил якунлангандан кейин кўпи билан олти ой ичида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши (“Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши”) ўтказилади.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси. Банк акциядорлари умумий йиғилиши ваколатларига қуйидагилар киради:

- 1) Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- 2) Банкни қайта ташкил этиш;
- 3) Банкни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 4) Банк кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 5) Банк эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 6) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш;
- 7) Банкнинг устав капиталини камайтириш;
- 8) Мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк томонидан ўз акцияларини олиш;
- 9) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Банк Кенгаши томонидан тайинланган Бошқарув раисини тасдиқлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 10) Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- 11) Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини ва дивидендлар тўлашни тасдиқлаш;
- 12) фойда ва зарарларни тақсимлаш;
- 13) Банк Кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- 14) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида ва қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 15) Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 16) Қонунда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- 17) Банк акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 18) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 19) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 20) Банкнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш;

21) Мазкур Уставнинг 11.3-бандининг 18) кичик бандига кўра Банк Кенгаши томонидан бир овоздан қарор қилинмаган тақдирда қарор қабул қилиш санасида суммаси Банк активларининг баланс қийматини 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

22) Битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада баланс қиймати ёки олиш қиймати Банк соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

Амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа қарорлар қабул қилиш.

10.3. Овоз бериш. Ҳар бир акциядор ўзига тегишли ҳар бир оддий акция бўйича акциядорлар умумий йиғилишида бир овозга эга бўлади. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Қонун ҳужжатларида ва Уставда қарор қабул қилиш учун овоз бериш белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

1) Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига кирувчи Уставнинг 10.2-бандининг 1), 2), 3), 5), 13), 21) ва 22) кичик бандларга тааллуқли қарорлар, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2) Уставнинг 10.2-бандининг 20) кичик бандга биноан аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.4. Кворум. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик (50) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ (40) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Уставнинг 10.7-бандининг 1) ва 2) кичик бандларида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма (20) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.5. Ишончнома. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

10.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан

ташқари йиғилишлардир. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (“Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши”) Банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш (5) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Банк кенгаши Қонунда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Банкнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартиби йиғилишни чақираётган томоннинг қарори ёки талабида кўрсатилади.

10.7. Хабарнома ва кун тартиби.

1) Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

2) Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а. Банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

б. Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

в. Банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

г. Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

д. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

3) Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда Банкнинг кенгаши, ушбу Уставнинг 10.6-бандида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

а. Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

б. Умумий йиғилишнинг кун тартибини;

в. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

г. Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

д. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

е. Овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4) Банкнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Банк Кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда юқоридаги белгиланган муддат

тугаганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

5) Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси.

1) Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Банк кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

2) Акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси акциядорлар умумий йиғилиши баённомаларини юритиш ва тузиш учун масъулдир. Баённома ўзбек ва инглиз тилларида тузилади. Баённома акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси ва котиби томонидан имзоланиб, йиғилиш ўтказилгандан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмасдан 2 нусхада тузилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10.9. Санок комиссияси. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Банк Кенгаши томонидан Санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Санок комиссияси акциядорлар умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, акциядорлар (уларнинг вакиллари) умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошириши муносабати билан юзага келадиган масалалар хусусида тушунтиришлар беради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқлари бажарилишини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Санок комиссиясининг аъзоларини Банк Кенгаши киритган таклифга кўра тасдиқлайди. Санок комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Банк Кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари киритилиши мумкин эмас.

11. БАНК КЕНГАШИ

11.1. Банк Кенгаши. Банк Кенгаши («Банк Кенгаши») Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Амалдаги Қонунчилик ва Банк устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Банк Кенгашининг таркиби. Банк Кенгаши банк фаолияти соҳасида малака ва тажрибага эга бўлган беш (5) аъздан («Банк Кенгаши аъзолари») ташкил топади. Банк оддий акцияларининг жами бўлиб камида бир (1) фоизига эга бўлган ҳар қандай акциядор(лар) акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун Банк Кенгашига аъзоликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига, бундай номзод кўрсатиш молиявий йил яқунлангандан сўнг ўттиз (30) кундан кечикмасдан амалга оширилган ҳолда, эга бўлади. Банк Кенгашининг аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир (1) йилга сайланади. Бошқарув аъзоси Банк Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас. Банк кенгашига ҳар қандай номзодни кўрсатиш (ёки 11.7-бандга мувофиқ чақириб олиш) ёзма шаклда амалга оширилади ва номзодни кўрсатаётган (ёки чақириб олаётган) акциядор томонидан имзоланади ҳамда 2.3-бандда кўрсатилган манзил бўйича Банк офисига етказилади. У мазкур манзилга етказилган санада номзод таклиф этилган деб

ҳисобланади.

11.3. Банк Кенгашининг ваколатлари. Мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатларига киритилмаган барча ваколатлар Банк Кенгашининг ваколатига киради. Банк Кенгашининг бутун фаолияти мазкур устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Банк Кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- 1) Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда ва Уставнинг 10.6-бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- 3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) Ушбу Уставнинг 10.2-бандининг 2) кичик бандида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- 7) Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 8) Банк Бошқаруви Раиси ва Банк Бошқаруви аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 9) Банкнинг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 10) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- 11) Банк ички аудит хизматини ташкил этиш ва ходимларини тайинлаш, уларнинг ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш, Ички аудит хизматига тўланадиган ҳақ миқдори юзасидан тавсиялар бериш, ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- 12) Банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Бошқарувдан олиш;
- 13) Аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 14) Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 15) Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 16) Банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш ва ёпиш;
- 17) Банкнинг шўъба ва тобе (банк 20% дан ортиқ улушига эга бўлган ҳар қандай корхона) хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 18) Суммаси Банк активларининг қарор қабул қилинган кундаги Банк соф активларини 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача тенг бўлган йирик битимларни (ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимларни) тузиш ҳамда аффилиланган (дахлдор) шахслар билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 19) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 20) Банкнинг капиталлаштирилишининг тегишли тарзда амалга оширилишини таъминлаш;
- 21) Банкнинг сиёсатларини, жумладан, фақат булар билан чекланиб қолмай, ички назоратни белгилаш;
- 22) Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорини белгилаш;
- 23) Банкнинг кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқлар бериш;
- 24) Кредит, инвестиция ва операциялар сиёсатининг амалга оширилиши юзасидан Бошқарувнинг ва Ички аудит хизмати раҳбарининг йил чораклари учун ҳисоботларини тинглаш;
- 25) Банкнинг устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш ва кўшимча акциялар чиқариш йўли билан кўпайтириш, шунингдек Банк уставига Банкнинг устав

капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш.

26) Банк акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш.

Банк Кенгаши ваколатига киритилган масалалар Банк Бошқарувига ҳал этиш учун топширилиши мумкин эмас.

11.4. Овоз бериш. Банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта (1) қовозга эга. Банк Кенгашининг аъзоси тузилишидан манфаатдорлик бўлган, Банк Кенгашининг аъзоси ёки ушбу Кенгаш аъзосининг номзодини тавсия этган акциядор билан боғлиқ аффилиланган шахслар билан битим тузиш юзасидан овоз беришда иштирок этмайди.

Банк кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Амалдаги қонунчиликда кенгаш томонидан бир овоз билан қабул қилинадиган ҳолатлар бундан мустасно.

11.5. Кворум. Банк Кенгаши аъзоларининг камида етмиш беш (75%) фойизи иштирок этаётган Банк Кенгашининг мажлиси ваколатли ҳисобланади.

11.6. Ҳақ. Банк Кенгаши аъзоларига Банк номидан олиб борган иши учун ҳақ тўланмайди. Банк Кенгаши аъзоларининг Банк Кенгаши йиғилишларида иштирок этишлари ва Банкдаги бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган барча харажатларни қоплайди.

11.7. Лавозимдан олиш ва бўш ўринлар. Акциядорларнинг умумий йиғилиши бирор-бир акциядорнинг асосли талабига кўра Банк Кенгашининг исталган аъзосини лавозимдан олиш ҳуқуқига эга. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк Кенгашидаги бўш ўринни тўлдириш учун Банк Кенгаши аъзосини сайлайди. Банк Кенгашининг аъзоси мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ шу ўринга кўрсатилган номзодлар ҳақидаги таклифлар қабул қилингандан сўнг сайланади.

11.8. Мажлислар. Банк Кенгашининг мажлислари («Банк Кенгашининг мажлислари») Банк Кенгаши Раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Банк Кенгаши, Бошқаруви, банк тафтиш комиссияси аъзоларининг ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабига кўра чақирилади. Банк Кенгашининг мажлислари Банк Кенгаши лозим деб топган ва қонунда талаб этилган муддатларда, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳар чоракда камида бир (1) бир марта ўтказилади.

Банк кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.9 Регламент ва хабарномалар. Банк Кенгаши ўз регламентини белгилашда ўз ихтиёри билан қарорлар қабул қилади, бироқ бундай қарор ва регламентлар мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаслиги лозим, бундан ташқари, Банк Кенгашининг Раиси Банк Кенгаши аъзоларини ҳар бир Банк Кенгаши мажлисининг ўтказилиш вақти, жойи ва кун тартиби ҳақида 18.6-бандга биноан хабардор этади. Хабарномалар бундай мажлисдан кўпи билан 15 (ўн беш) кун ва камида 3 (уч) кун аввал бўлган муддатда тақдим этилади. Зарур ҳолларда ва Банк Кенгаши аъзоларининг барчаси розилиги асосида ушбу хабар муддати қисқартирилиши мумкин. Банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси Банк Кенгашининг Раисига ёзма раддия ёзиб бундай хабарномадан воз кечиши ёки мажлисда тегишли равишда берилмаган хабарномага норозилик билдиришдан ташқари бошқа мақсадда иштирок этиши мумкин.

11.10. Банк Кенгашининг Раиси. Банк Кенгаши мажлисларида Банк Кенгаши Раисини сайлаш учун ўтказилган мажлисда кўпчилик овоз билан сайланган Банк Кенгашининг аъзоси Раислик этади («Банк Кенгашининг Раиси»). Банк Кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, Банк Кенгашининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик этади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади, Банк номидан Бошқарув Раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини имзолайди, мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга оширади. Банк кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.11. Банк Кенгашининг котиби. Банк Кенгаши Банк Кенгаши котибини («Банк Кенгаши котиби») сайлайди, у барча берилган таклифлар ва овоз бериш натижалари, Банк Кенгаши мажлисарининг баённомаларини тўлиқ ва аниқ юритилиши, шу жумладан, фақат булар билан чекланмаган холда, баённомаларга овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижаларини киритиш бўйича масъулдир. Баённома кенгаш мажлиси ўтказилагандан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай расмийлаштирилади. Баённомалар ўзбек ва инглиз тилларида юритилади, улар тенг юридик кучга эга. Баённомалар мажлисда қатнашган ва баённома тўғрилиги учун масъул бўлган кенгаш аъзолари томонидан имзоланади ҳамда банкнинг баённомалар китобига киритилади. Мазкур баённомалар китобини барча Банк Кенгаши аъзолари ва акциядорлар текшириш ҳуқуқига эгадирлар.

11.12. Харажатлардан ва масъулиятлардан ҳимоя қилиш. Банк Банк Кенгаши аъзоларига уларнинг ҳар қандай суд қарорлари, жарималар, тўловлар амалга ошириладиган ҳисобварақаларга ўтказилган суммалар бўйича, шунингдек мазкур аъзонинг банк билан фаолияти юзасидан ҳар қандай даъво талаблари ёки келишмовчиликлардан ҳимояланиш билан боғлиқ бошқа харажатларини қоплаш мажбуриятини олади. Агар Банк Кенгаши томонидан бошқача қарор қабул қилинган бўлмаса, қоплаш пулининг тўланиши мазкур маблағ тўланган ёки харажат қилинган валютада амалга оширилади. Агар Банк Кенгаши аъзоси Банк олдидаги мажбуриятларини бажаришда қўпол лоқайдлик ёки вазифаларни лозим даражада юритмаслик учун айбдор бўлса, бу аъзога Банк томонидан унинг харажатлари қопланмайди. Аммо Банк мазкур қўпол лоқайдлик ёки вазифаларни лозим даражада юритмаслик оқибатларини суғурталашни кўзда тутиши мумкин.

12. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

12.1. Тафтиш комиссияси. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш мақсадида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга тафтиш комиссиясининг аъзолари сайланади. Банкнинг тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат бўлиб, айти бир шахс Банк тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Тафтиш комиссиясининг ваколати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, мазкур Устав ва тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом билан тартибга солинади. Мазкур низом Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

12.2. Тафтиш комиссисиясининг фаолияти. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан банк кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра банкнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади.

12.3. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Тафтиш комиссияси, банкнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа ҳужжатларга риоя қилиниши, банк ички назоратини олиб борилиши, кредит, ҳисоб ва банк томонидан йил давомида олиб борилган бошқа операцияларни, касса ва мулкнинг ҳолатини текширади. Текширув вақтида тафтиш комиссияси барча керакли ҳужжатлардан, жумладан бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлардан, ҳамда маъсул шахсларнинг тушунтиришларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тафтиш комиссияси маъсул шахслар томонидан бирон бир қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаган ҳолатларда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга.

13. БОШҚАРУВ, БОШҚАРУВ РАИСИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ ВА ХОДИМЛАР

13.1. Бошқарув. Банкнинг кундалик фаолиятига банкнинг коллегиял ижро органи («Бошқарув») раҳбарлик қилади. Бошқарув таркиби беш аъздан ташкил топган бўлиб, унга Бошқарув Раиси («Бошқарув Раиси») ва Бошқарув аъзолари («Бошқарув и аъзолари») киради. Бошқарув Раиси Бошқарув раҳбари ҳисобланади. Бошқарув қарорлари Бошқарув мажлисида иштирок этган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бирор масала юзасидан овозларнинг сони тенг бўлса Бошқарув Раиси ҳал қилиш овозига эга бўлади ва ва унинг ҳал қилиш овози билан қабул қилинган қарор устуворлик қилади. Банк Бошқаруви мажлисида Бошқарув Раиси ва Бошқарувга сайланган аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этса, Мажлисида кворум ташкил бўлган деб ҳисобланади. Бундан ташқари Бошқарув мажлисида Банк Бошқарув Раиси томонидан тайинланадиган, 10 (ўн) кишидан ортиқ бўлмаган доимий қузатувчилар қатнашади.

13.2. Бошқарув аъзоларини тайинлаш. Бошқарув Раиси Банк Кенгаши қарорига асосан тайинланади ва келгусида Акциядорлар Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари Банк Кенгаши томонидан тайинланадилар. Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Банк Кенгаши Раиси имзолайди. Ҳар бир Бошқарув аъзоси билан шартнома бир йил муддатга Бошқарув Раиси томонидан имзоланади ва уларнинг ваколатлари узайтирилиши ва муддатидан олдин тугатилиши мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Бошқарув аъзоси бир вақтнинг ўзида Банк Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13.3. Бошқарув масъулиятлари. Бошқарув Банкнинг мазкур Устав ва қонунда белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк Кенгаши ваколатига киритилмаган бошқа барча масалалар бўйича Банк фаолиятига раҳбарлик қилади. Банк Бошқаруви бевосита Банк Кенгашига ҳисобот беради ва қуйидаги фаолиятни амалга оширади:

- 1) Йиллик бизнес-режаларни ва Йиллик молиявий ҳисоботларни тайёрлайди ва Банк Кенгашига тақдим этади;
- 2) Йиллик бизнес-режани ижросини амалга оширади;
- 3) Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган банкнинг ташкилий тузилмасига мувофиқ Банкнинг бўлинмалари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- 4) Банк Кенгаши учун кун тартибини тузади ва улар юзасидан хабарномалар жўнатилишини таъминлайди;
- 5) Банк Кенгашининг қарорларини бажаришни ташкил этади;
- 6) Банк Кенгаши қарорларини бажарилиши тўғрисида Банк Кенгашига ҳисобот тақдим этади;
- 7) Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
- 8) Банк Кенгашига ва акциядорларнинг умумий йиғилишига акциядорлар умумий йиғилишлари қарорларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади;
- 9) Мазкур Устав ва Банк Кенгаши томонидан белгиланган доирада Банкнинг мол-мулкани, шу жумладан унинг пул маблағарини бошқаради;
- 10) Банк фаолият юритиши учун зарур бўлган банк ҳисоб рақамларини очиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади;
- 11) Банкка салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳодисалар тўғрисида Банк Кенгашини зудлик билан хабардор этади;
- 12) Банк филиаллари раҳбарларини тайинлайди, ҳамда Банк Кенгаши тасдиғи билан ҳудудий бошқармаларнинг раҳбарларини тайинлайди;
- 13) Йиллик бизнес-режада кўзда тутилмаган, Банк активлари умумий миқдорининг икки фоизидан (2%) ортиқ бўлмаган капитал харажатларга руҳсат беради; ва
- 14) Умумий қиймати Банк мулкidan ошмайдиган депозит сертификатларини чиқаради.

13.4. Бошқарув Раисининг ваколатлари. Бошқарув ҳамда мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ қуйидаги ваколатларга эга бўлади ва амалга оширади:

- 1) Банк номидан битимлар тузади;

- 2) Ходимлар ишга қабул қилинишини тасдиқлайди;
- 3) Банк Кенгаши томонидан маъқулланган сиёсатга биноан хўжалик фаолиятини юритиш учун буйруқлар чиқаради, хўжалик фаолияти тартибини белгилайди;
- 4) Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қилади;
- 5) Ходимлар учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;
- 6) Амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав билан белгилаб берилган Банк номидан шартномалар тузади ва фаолият юритади;
- 7) Акциядорларнинг умумий йиғилиш, Банк Кенгаши ва Бошқарув қарорларини бажарилишини ташкил этади;
- 8) Учинчи шахслар, ташкилотлар, корхоналар ва идоралар, жумладан, ҳукумат ва давлат органлари билан муносабатларда Банк манфаатларини ифода этади
- 9) Банк Кенгаши ва Бошқарувнинг барча аъзоларини банкнинг хўжалик фаолияти ва ишлари тўғрисида тўлиқ хабардор қилиб боради;
- 10) Бошқарув аъзолари, Банк бош бухгалтери, Банк филиалларининг раҳбарлари ва банкнинг бошқа ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади; ва
- 11) Ишончномалар беради.

13.5. Бошқарув аъзоларининг масъулиятлари. Бошқарув аъзолари Бошқарув Раисига ёрдам беради, унга ҳисобот беради ва ундан кўрсатмалар олади. Бошқарув Кенгаши аъзолари ўртасидаги мажбуриятлар уларнинг ўртасида фақат Бошқарув Раисининг ихтиёрига кўра мазкур Уставнинг 13-бўлим қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши ва қайта кўриб чиқилиши мумкин.

13.6. Ходимлар.

- 1) Агар мазкур Уставда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Бошқарув Раиси мазкур Уставга мувофиқ, Бошқарув аъзоларидан ташқари, банк ходимларини ишга ёллади ёки бошқа лавозимга кўчиради/ротация қилади ва лавозимидан озод этади
- 2) Банк Ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузади, уларда қуйидагилар акс этади:
 - а. Ходимлар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига мувофиқ исталган пайтда лавозимидан четлатилиши мумкинлиги шартлари;
 - б. Банкда ишлаган давр мобайнида олинган ахборотни сир тутиш тўғрисида тегишли қоидалар;
 - в. Ходимлар Банкдаги бутун иш фаолияти давомида Банк манфаатларига зид ёки шундай бўлиши мумкин бўлган, ёхуд Банк манфаатлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулланишни тақиқланганлиги, бундай фаолиятни амалга ошириш учун ходим Банк Бошқарувининг аввалдан ёзма розилигини олган ҳолатлар бундан мустасно; ва
 - г. Ходимларга мазкур Уставнинг 3.6-бандига биноан иш кўриш мажбуриятини юклайди.

14. БАНКНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

14.1. Банкнинг тузилиши. Банкнинг таркибий тузилиши Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиб, Банк Бошқарув Раиси томонидан белгиланадиган бир нечта бўлимлардан ташкил топади. Ҳар бир бўлимнинг бошлиги Бошқарув Раиси томонидан тайинланади, Бошқарув Раисига ва бошқа юқори турувчи бошқарув органига бўйсинади ҳамда Бошқарув Раиси ёки юқори турувчи бошқарувчидан кўрсатмалар олади.

14.2. Банкнинг филиаллари. Банк мазкур Уставнинг 1-илоvasида келтирилган ўз филиалларига эга.

15. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

15.1. Ички аудит хизмати.

- 1) Банк ички аудит хизмати Банкнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, Банк операцияларини амалга оширишнинг

белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Банкнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

2) Ички аудит хизмати иш вақти мобайнида Банкнинг бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини ва ҳисоботини текшириш ва улардан нусха олиш ҳуқуқига эга. ички аудит хизмати томонидан молиявий қонунбузарлик, уз ваколатини суистеъмол қилиш ёки бошқа қонунбузарлик ҳаракатлари гумон қилинган ёки аниқлаган ҳолатларда, Ички аудит хизмати бу ҳақида Аудит қўмитасини хабардор қилади.

15.2. Ички аудит хизматининг мажбуриятлари. Ички аудит хизмати:

1) Аудиторлик ташкилотининг йиллик аудити устидан назоратни амалга оширади;

2) Ҳар бир йил чораги тугагандан сўнг ўттиз (30) кундан кечиктирмасдан йил чораги учун аудит қилинган ҳисоботларни ҳамда Молиявий йил якунлангандан сўнг имкон қадар амалий давр ичида Йиллик аудит қилинган ҳисоботларни Банк Кенгашига ва Аудиторлик қўмитасига тақдим этади;

3) Аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган Йиллик молиявий ҳисоботларни тайёрлайди ва уларни акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этади;

4) Мазкур Устав ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифаларни бажаради.

15.3. Аудиторлик ташкилоти. Амалдаги қонунга биноан Банкнинг молиявий, ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларининг ҳар йиллик аудитини амалга оширувчи, халқаро, мустақил, етакчи аудиторлик ташкилотини («Аудиторлик ташкилоти») Банк Кенгаши тасдиқлайди. Аудиторлик ташкилотининг вазифаси Банк ҳисоби ва ҳисоботи ҳаққонийлигини, Банк томонидан амалдаги қонунчиликка, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қоида ва меъерий ҳужжатларига риоя этилишини тасдиқлашдир. Ходимлар бундай аудитни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумот ва ҳужжатларни Аудиторлик ташкилотига ўз вақтида етказиб берадилар. Аудиторлик ташкилоти иш вақти мобайнида Банкнинг барча ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини текшириш ва улардан нусха олиш ҳуқуқига эгадир.

16. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ҲИСОБОТ ВА НАЗОРАТ

16.1. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатлари. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи амалдаги Қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади. Ҳисоботнинг мақсади Банкнинг молиявий фаолиятини ҳар жиҳатдан таҳлил этиш, ликвидлик ҳолатининг сақлаш ва Банк хатарларини, жумладан, активлар ва пассивлар хатарларини бошқарилишини таъминлашдир. Банк томонидан барча молиявий, ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатлари Халқаро бухгалтерия ҳисоби стандарти ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ юритилади. Банкнинг барча муҳим ҳисоботлари, шу жумладан ва фақат булар билан чекланмасдан, йиллик молиявий ҳисоботлар, ҳамда тақлиф қилинадиган ва маъқулланадиган йиллик бизнес-режалар ўз вақтида Банк томонидан тайёрланади ва инглиз тилига Банк харажатлари ҳисобидан таржима қилинади.

Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Банк Бошқарувининг зиммасида бўлади.

16.2. Молиявий йил. Банкнинг молиявий йили ("Молиявий йил") 1 январдан 31 декабргача, охириги санани қўшган ҳолда, бўлган даврни ташкил этади.

16.3. Ички назорат. Банк барча пул тушумлари, харажатлар, активлар ва мажбуриятларни ҳужжатлаштиришни амалга оширадиган, шунингдек, маълум даражадаги харажатларни амалга оширилишини кимлар маъқуллаши лозимлигини белгилайдиган ички назорат тизимини ("Ички назорат") ўрнатади.

16.4. Йиллик бизнес режа. Ҳар молиявий йилнинг бошланишидан аввал Бошқарув Раиси

Банк Кенгашига тасдиқлаш учун йиллик бизнес-режани (“Йиллик бизнес-режа”) тақдим этади. Бунда банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Банк кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланади. Йиллик бизнес-режа кейинги йил учун капитал харажатлар ва операцион харажат ва даромадлар, бозор прогнозларини, штат жадвали ва нақд пул оқимиغا нисбатан қўйиладиган талабларни, ҳамда бу кўрсаткичларнинг кейинги уч (3) йиллик прогнозлари билан бирга, кредитлаш ҳақида қарорлар қабул қилиш сиёсатини, кредитларни назорат қилиш тартибини, актив ва пасивларни бошқариш тизимини, инвестициялаш тартибини ўз ичига олади. Бошқарув Раиси Йиллик бизнес-режада бирон муҳим четлашишлар юзасидан Банк Кенгашининг розилигини олдиндан олади.

16.5. Йиллик молиявий ҳисобот. Бошқарув Раиси тақдим этган йиллик молиявий ҳисобот (“Йиллик молиявий ҳисобот”) Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишидан камида ўттиз (30) кун олдин Банк кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим. Йиллик молиявий ҳисоботнинг шакли ва мазмуни Банк Кенгаши томонидан белгиланиб, ундаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган ва Ички аудит хизмати томонидан таъкидланган ҳамда Бошқарув Раиси томонидан имзоланган баланс, фойда ва зарарлар ҳамда нақд пул ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларини уз ичига олади. Шунингдек, йиллик молиявий ҳисобот ўз ичига фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаш йўллари бўйича таклифларни олади.

16.6. Бошқа ҳисоботлар. Банк Марказий банк инспекцияси томонидан тузилган инспекция ҳисоботи ва Аудиторлик ташкилоти томонидан тузилган аудит хулосасини Банк Кенгашига ҳар йили мазкур ҳисоботлар тақдим этилган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида тақдим этиши шарт.

17. БАНКНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

17.1. Банкнинг қайта ташкил этилиши. Банкнинг қайта ташкил этилиши амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг қарорига асосан ва Марказий банкнинг рухсати билан, қуйидаги тарзда қайта ташкил этилиши мумкин: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш.

Банкнинг қайта ташкил этилиши тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган, овоз берувчи акциялар эгаларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан Банк 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда ҳамда камида иккита (2) марказий газеталарда ёзма эълон бериш йўли билан хабардор қилади. Банкнинг қайта ташкил этиши билан боғлиқ Уставга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар амалдаги қонунчиликка биноан амалга оширилади.

17.2. Банкнинг тугатилиши. Банк ихтиёрий равишда ёки Марказий банк томонидан банкнинг лицензияси чақириб олинганда ёхуд Ўзбекистон Республикаси судларининг қарори асосида тугатилиши мумкин. Ихтиёрий тартибда тугатиш мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Суд қарори бўйича тугатиш шу қарорга кўра, мазкур Уставга мувофиқ ва амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Марказий банкнинг лицензияси чақириб олинганда тугатиш қонунчиликда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

17.3. Банкни ихтиёрий тартибда тугатиш. Банк Кенгаши Банкни ихтиёрий тартибда тугатиш ва тугатиш комиссияси тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳавола этади. Банк акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан, амалдаги қонунчилик ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тугатиш комиссияси тайинланиб ихтиёрий тартибда тугатилиши мумкин.

17.4. Тугатиш комиссияси.

1) Банкнинг тугатилиши уч (3) аъздан иборат тугатиш комиссияси (“Тугатиш

комиссияси”) томонидан амалга оширилади.

2) 17.3-бандга кўра тугатиш ҳақидаги қарор қабул қилинганда акциядорларнинг умумий йиғилиши Марказий банк билан келишилган ҳолда Банк Кенгаши томонидан тақдим этилган Тугатиш комиссияси аъзоларини тасдиқлайди.

3) Акциядорларнинг умумий йиғилиши Тугатиш комиссиясининг ҳақи миқдорини ва регламентни белгилайди.

4) Тайинланган пайтдан бошлаб Тугатиш комиссияси Банкнинг барча ишларини бошқариш ваколатига эга бўлади. Комиссия имкон қадар Банкнинг шартнома мажбуриятларини ижро этилишини ва бошқа ҳар қандай фаолияти яқунланишини таъминлайди.

5) Тугатиш комиссияси овозлар кўпчилиги қондаси асосида иш юритади.

б) Тугатиш комиссиясининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а. Тугатиш балансини тузиш;

б. Маслаҳатчиларни ёллаш;

в. Банк активлари ва пасивларининг қийматини баҳолаш;

г. Банк кредиторларининг рўйхатини тузиш ва бундай кредиторнинг ҳар бирига ажратилиши лозим бўлган маблағларни аниқлаш;

д. Банк кредиторлари ва акциядорлари билан ҳисоб-китоб қилиш;

е. Тугатиш жараёнини яқунлаш мақсадида Мазкур Устав ёки қонун билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш.

17.5. Тугатиш баланси.

1) Тугатиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ оралик ва якуний Тугатиш балансини тузади (уларнинг ҳар бири “Тугатиш баланси” деб номланади) ва уларни акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этади.

2) Тугатиш комиссияси тугатиш жараёнида олинган тушумни амалдаги қонунчиликка асосан ишлатилиши ва тақсимланишини таъминлайди.

17.6. Банк фаолиятининг тўхтатилиши.

1) Банк кредиторлари билан ҳисоб-китоблар тугагандан сўнг Тугатиш комиссияси якуний Тугатиш балансини тайёрлайди ҳамда Банкни қолган мол-мулки акциядорлар ўртасида қонунда белгиланган тартибда тақсимлайди. Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини Банк хорижий валютага айирбошлаб бериши шарт.

2) Тугатиш ишлари яқунлангандан сўнг Тугатиш комиссияси Банкнинг тугатилганлигини тегишли давлат идоралари рўйхатига тегишли ёзувлар киритилишини таъминлайди. Бунда Банкнинг тугатилганлигини тегишли давлат идоралари рўйхатига тегишли ёзувлар киритилишидан олдин Банк қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилиши лозим. Тугатиш баланси топширилиб, Банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан чиқарилгандан сўнг Банк юридик шахс сифатида тугатилган ва юридик шахс мақомини йўқотган ҳисобланади.

18. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18.1. Ҳуқуқий ворислик. Банк ва “Royal Bank of Scotland O’zbekiston MB” ёпиқ акциядорлик жамияти (“RBS O’zbekiston”) ўртасида жамиятларни бирлаштириш кучга кирган сана ва вақтдан бошлаб (“Кучга кириш санаси”), RBS O’zbekiston ўзининг бутун активлари ва пасивлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини Банкка ўтказиши ва Банк, ўз навбатида, уларни қабул қилиб олади. Марказий банкдаги Республика банкларни рўйхатга олиш дафтарида RBS O’zbekiston фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув киритилган вақтдан бошлаб Банк, RBS O’zbekistonга тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворисига айланади.

18.2. Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар. Мазкур Уставга киритиладиган барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилади. Мазкур масала юзасидан қабул қилинадиган қарор акциядорлар умумий

йиғилишида иштирок этаётган, овоз берувчи акциялар эгаларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

18.3. Уставнинг мажбурийлиги. Мазкур Устав акциядорларнинг ҳамда уларнинг тегишли ҳуқуқий ворислари ва цессионарийларининг фойдасига хизмат қилади ва улар томонидан риоя қилиниши мажбурий ҳисобланади.

18.4. Тартибга солувчи қонунчилик. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарорлари ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

18.5. Уставнинг тили. Мазкур Устав ўзбек тилида тузилган.

18.6. Хабарнома. Норезидент акциядорлари, Банк Кенгаши ва Бошқарувининг аъзолари ўзаро ёзишма ва хабарномаларни инглиз тилида амалга оширишга ҳақли. Агар мазкур Уставда Бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, хабарнома қуйидаги ҳолларда белгиланган тартибда амалга оширилган ҳисобланади, агар: (i) шахсан олувчининг қўлига берилган, ва хабарноманинг олинганлиги тасдиқланган бўлса; (ii) телекс, факс ёки бошқа тезкор алоқа воситаси орқали жўнатилган, ва унинг олинганлиги тасдиқланган бўлса; ёки (iii) барча йўл ва почта харажатларини олдиндан тўлаган ҳолда тезкор курьер билан жўнатилган бўлса, бунда хабарнома ёки бошқа маълумот қуйидаги манзиллар бўйича жўнатилган бўлиши шарт:

- 1) Банкга юборилаётган бўлса – 2.3-бандда кўрсатилган манзил бўйича;
- 2) Акциядорга юборилаётган бўлса - акциядорлар реестрида кўрсатилган манзил бўйича;
- 3) Банк Кенгаши аъзосига юборилаётган бўлса – шу аъзо томонидан Банк Кенгашига берилган ёзма хабарномада кўрсатилган манзил бўйича.

Мазкур Устав 18.6-бандининг қоидаларига мувофиқ етказилган ҳар қандай хабарнома олинганлиги тасдиқланган санада олинган деб ҳисобланади ва агар бундай хабарнома тезкор курьер билан юборилган бўлса, жўнатувчи уни курьерга топширган муддатдан ўн (10) кундан сўнг қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳар бир акциядор, бундай хабарнома ва хабарларни олиш учун бошқа акциядорларга ва Банкка хабар берган ҳолда бошқа бир манзилни кўрсатиши мумкин.

Ёнг Кю Квак
Банк Бошқаруви Раиси

“ҚДБ Банк Ўзбекистон”
Акциядорлик Жамияти уставининг 1-иловаси

“ҚДБ Банк Ўзбекистон” Акциядорлик Жамиятининг филиаллари
(жадвал шаклда кўрсатилган)

	Филиалнинг номи
1	“ҚДБ Банк Ўзбекистон” Акциядорлик Жамиятининг Яккасарой филиали
2	“ҚДБ Банк Ўзбекистон” Акциядорлик Жамиятининг Юнусобод филиали

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2016 йил « 30 » ИЮНЬ
5-1 -сон билан
«Рўйхатга олинди»

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари




С.С. Ходжаев

«КДБ Банк Ўзбекистон»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

ТАСДИҚЛАНДИ:
«КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ
Акциядорларининг 2016 йил
3 мартдаги 2-навбатдан ташқари
умумий йиғилиши ҳамда
Акциядорларининг 2016 йил 30 майдаги
йиллик умумий йиғилиши қарорларига
мувофик

Кенгаш Раиси


Ким, Ёнг-Мо



Тошкент шаҳри
2016 йил

**«КДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамиятининг уставига
киритилган ўзгаришлар ва қўшимча**

Эски тахрир	Янги тахрир
<p>2.3. <u>Банк жойлашган ери (почта манзили), корпоратив веб-сайти ва электрон почта манзили.</u> Банк жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 32 уй. Банк корпоратив веб-сайти: www.kdb.uz Банк электрон почта манзили: info@kdb.uz</p>	<p>2.3. <u>Банк жойлашган ери (почта манзили), корпоратив веб-сайти ва электрон почта манзили.</u> Банк жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 3 уй. Банк корпоратив веб-сайти: www.kdb.uz Банк электрон почта манзили: info@kdb.uz</p>
<p>13.1. <u>Бошқарув.</u> Банкнинг кундалик фаолиятига банкнинг коллегиял ижро органи («Бошқарув») раҳбарлик қилади. Бошқарув таркиби беш аъзодан ташкил топган бўлиб, унга Бошқарув Раиси («Бошқарув Раиси») ва Бошқарув аъзолари («Бошқарув и аъзолари») киради.</p>	<p>13.1. <u>Бошқарув.</u> Банкнинг кундалик фаолиятига банкнинг коллегиял ижро органи («Бошқарув») раҳбарлик қилади. Бошқарув таркиби камида етти аъзодан ташкил топган бўлиб, унга Бошқарув Раиси («Бошқарув Раиси»), унинг ўринбосарлари, Бош бухгалтер, Юридик хизмат раҳбари ва бошқа раҳбар ходимлар («Бошқарув и аъзолари») киради.</p>
<p>16.5. <u>Йиллик молиявий ҳисобот.</u> Бошқарув Раиси тақдим этган йиллик молиявий ҳисобот («Йиллик молиявий ҳисобот») Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишидан камида ўттиз (30) кун олдин Банк кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.</p>	<p>16.5. <u>Йиллик молиявий ҳисобот.</u> Бошқарув Раиси тақдим этган йиллик молиявий ҳисобот («Йиллик молиявий ҳисобот») Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишидан камида ўн (10) кун олдин Банк кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.</p>

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида

2018 йил “ 6 ” 1101 да
 Б-2 -сон билан рўйхатга олинган

Марказий банк
Раисининг биринчи ўринбосари
Т. А. Ишметов



“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ
акциядорларининг йиллик умумий
йиғилишининг 2018 йил 28 июндаги
қарори билан тасдиқланган баённома

Банк Кенгаши Раиси


Чо Сёнг Хюн



**“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни**

1. Уставнинг 5.2.-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

5.2. Банк устав капитали. Чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар. Банкнинг устав капиталининг миллий валютадаги қиймати 38 950 869 580 (ўттиз саккиз миллиард тўққиз юз эллик миллион саккиз юз олтмиш тўққиз минг беш юз саксон) сўмни ташкил этиб, ҳар бирининг номинал қиймати 148,63 (бир юз қирқ саккиз сўм олтмиш уч тийин) сўмга тенг 262 066 000 (икки юз олтмиш икки миллион олтмиш олти минг) дона оддий акциялардан ташкил топади.

2. Уставнинг 5.4.-банди, 1)-кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“1) Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк кенгаши томонидан қабул қилинади.”

3. Уставнинг 5-бўлими қуйидаги тахрирдаги 5.6.-банди билан тўлдирилсин:

“5.6. Банкнинг эълон қилинган акциялари. Банк 62 321 391 328 (олтмиш икки миллиард уч юз йигирма бир миллион уч юз тўқсон бир минг уч юз йигирма саккиз) сўм миқдорида 419 305 600 (тўрт юз ўн тўққиз миллион уч юз беш минг олти юз) дона номинал қиймати 148,63 (бир юз қирқ саккиз сўм 63 тийин) сўм бўлган қўшимча эълон қилинган эгасининг номи ёзилган оддий акция чиқаришга ҳақли.”

4. Уставнинг 10.2.-банди, 1)-кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“1) Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш, Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва Банкнинг эълон қилинган акциялар сонини камайтириш тўғрисидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;”

5. Уставнинг 11.3.-банди, 25)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“25) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш.”

Банк Кенгаши Раиси



Чо Сёнг Хюн



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БАНК НАЗОРАТИ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИНИНГ
35 / 3 – СОНЛИ БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

2018 йил 6 июль

Тошкент шаҳри

КУН ТАРТИБИ

“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг устав капитали 38 950 869 580 сўм ва банк устав капиталини ошириш мақсадида қўшимча эълон қилинган акциялари 419 305 600 дона миқдорда белгиланиши муносабати билан банк Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида

Банк назорати қўмитаси “КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти томонидан мазкур масала юзасидан тақдим этилган хужжатлар тўпламини ўрганиб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2. “КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти устав капитали 38 950 869 580 сўм ва банк устав капиталини ошириш мақсадида қўшимча эълон қилинган акциялари 419 305 600 дона миқдорда белгиланиши муносабати билан банк Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар рўйхатдан ўтказилсин.

Кредит ташкилотлари
пруденциал назорати
департаменти директори



А. Турдалиев

02/2018-4024
om 28.06.2018e.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкига

Сизга 2018 йил 28 июнда бўлиб ўтган “КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг баённомасига асосан банк Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилмоқда.

Илова:

“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг 2018 йил 28 июндаги баённомаси уч нусхада.

“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни уч нусхада.

Хурмат билан,

Банк Кенгаши Раиси



Чо Сёнг Хюн

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида

2018 йил “12” ОКТАБР да
53 -сон билан рўйхатга олинган.

Марказий банк
Раисининг биринчи ўринбосари
Г.А. Ишметов



“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ
Банк Кенгашининг 2018 йил
27 сентябрдаги қарори билан
тасдиқланган 7-сонли баённома

Банк Кенгаши Раиси

A handwritten signature in blue ink, appearing to read "Cho Song Hyun".

Чо Сёнг Хён



**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан
2014 йил 5 декабрда 5-сон билан рўйхатга олинган
“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилган ўзгартиришлар матни**

1. Уставнинг 2.1.-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

2.1. Банк акциядорлари. Банк акциядорлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Номи	Рўйхатга олинган оддий акциялар сони	Банкнинг устав капиталидаги улуши
Korea Development Bank	588 148 600	86,32%
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки	70 244 200	10,31%
“Turonbank” aksiyadorlik tijorat banki	22 978 800	3,37%
Жами	681 371 600	100%

2. Уставнинг 5.2.-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

5.2. Банк устав капитали. Чикарилган ва жойлаштирилган акциялар. Банкнинг устав капиталининг миллий валютадаги қиймати 101 272 260 908 (бир юз бир миллиард икки юз етмиш икки миллион икки юз олтмиш минг тўққиз юз саккиз) сўмни ташкил этиб, ҳар бирининг номинал қиймати 148,63 (бир юз қирқ саккиз сўм олтмиш уч тийин) сўмга тенг 681 371 600 (олти юз саксон бир миллион уч юз етмиш бир минг олти юз) дона оддий акциялардан ташкил топади.

3. Уставнинг 5.6.-банди чиқариб ташлансин.

Банк Кенгаши Раиси



Чо Сёнг Хюн

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг

Марказий банкида

2019 йил “26” июнь да

5-4 -сон билан рўйхатга олинган.



Марказий банк

Раисининг ўринбосари

Б. Э. Захидов

**“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ҚЎШИМЧА ВА
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ

акциядорларининг йиллик умумий

йиғилишининг 2019 йил 30 майдаги

қарори билан тасдиқланган баённома



Банк Кенгаши Раиси

Чо Сёнг Хюн

**“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

**1. Уставнинг 10.2.-банди қуйидаги мазмундаги 23 (йигирма учинчи)
кичик банд билан тўлдирилсин:**

“23) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”

**2. Уставнинг 10.7.-банди, 1)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён
этилсин:**

“1) Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади;”

**3. Уставнинг 11.3.-банди, 13)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён
этилсин:**

“13) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”

4. Уставнинг 15.2.-бандининг:

1) ва 2)-кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1) Аудиторлик ташкилоти томонидан банкнинг ярим йиллик ва йиллик молиявий ҳисоботларини аудит қилиш жараёнлари устидан умумий назоратни амалга оширади;

2) Биринчи ярим йиллик ҳамда молиявий йил якунлангандан сўнг имкон қадар амалий давр ичида ташқи мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан аудит қилинган ҳисоботларни Банк Кенгашига тақдим этади;”

3)-кичик банди чиқариб ташлансин;

4)-кичик банди тегишинча 3)-кичик банд деб ҳисоблансин.

Банк Кенгаши Раиси



Чо Сёнг Хюн

“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида
2020 йил “9” *ноябрь* да
5-1 - сон билан руйхатга олинган

Марказий банк
Раисининг биринчи ўринбосари
Б. Э. Захидов



**“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ
акциядорларининг 2-навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2020 йил 13 октябрдаги
қарори билан тасдиқланган баённома

Банк Кенгаши Раиси
[Handwritten Signature]
Ли Бюнг Хо



**“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг Уставига
киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар матни**

1. Уставнинг 1.4-бандининг 42-кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

42) “ТИФ МБ” АЖ Ўзбекистон Республикасининг қонунийлигига мувофиқ ташқи этилган ва фаолият юритаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй юридик мақсиди бўйича жойлашган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамиятини билдиради

2. Уставнинг 2.1.-бандидаги Банк акциядорларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки” акциядорлик жамияти

3. Уставнинг 3.6.-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

3.6. Амалдаги қонуnlарга бўйсиниб, Банк ўз фаолиятини амалдаги қонуn ҳужжатларига, шу жумладан жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий киргин қуролни тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни тўғрисидаги қонуn ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади.

4. Уставнинг 4.2.-банди 20-кичик банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

20) Молиявий ёки банк фаолияти масалалари юзасидан жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг жамғармалари ёки активларини бошқариш мақсадлари учун хизматлаб кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ёки ёрдам кўрсатиш каби активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

5. Уставнинг 4.2.-бандининг 27-кичик банди чиқариб ташлансин.

6. Уставнинг 4.2.-банди қуйидаги мазмундаги **27-30-кичик бандлари** билан тўлдирилсин:

27) тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

28) ҳосиллавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

29) электрон пуллари чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

30) Банклар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуn ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

7. Уставнинг 4.3.-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

4.3. Тақикланган фаолият, Банк амалдаги қонуnчилик билан ёки ушбу Уставда тақикланган фаолият билан шугулланмайди.

Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, сугурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуn ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шугулланишга ҳақли эмас.

Ушбу модданинڭ иккинчи қисмида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

а) банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускувани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;

б) ўз активларини сотишга;

в) чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

г) сугурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номида сугурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

д) банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкни мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

8. Уставнинг 6.1.-банди 1-қисми куйидаги жумла билан тўлдирилсин:

Банк ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк томонидан сотиб олинмаган ўз акцияларининг суммаси банк устав капиталининг ўн фоиздан ошishi мумкин эмас.

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг уста капиталидagi:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олинган олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

9. Уставнинг 7.1.-банди куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашнинг куйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

а) пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

б) ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

в) Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида ақс эттирилган шу жумладан ахборотни ошқор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

г) Марказий банкнинг фойдани тақсимлаш тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

10. Уставнинг 10.2.- банди куйидаги тахрирдаги **24-кичик банд** билан тўлдирилсин

24) ижроия органининг аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Банкнинг қуздалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш.

11. Уставнинг 10.6.-бандининг иккинчи жумласи куйидаги тахрирда баён қилинсин:

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ("Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши") Банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ў: ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби асосида, ёзма талаб тақдир этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш (5) фоизга эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида, шунингдек қун тартибини белгилаш ҳуқуқи билан Марказий банкнинг қонунида ўрнатилган тартибдаги ёзма талаби асосида ўтказилади.

12. Уставнинг 11.2.-банди биринчи жумласидан сўнг куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

Банк Кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак буздан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустақило.

13. Уставнинг 11.3.-бандининг 10, 21 ва 24-кичик бандлари куйидаги тахрирда баён қилинсин:

10) Банкнинг бизнес-режасини, стратегик мақсадларини, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш, ички назоратта оид сиёсатларни тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

21) ҳар чорақда банк фаолияти натижалари ва бизнес-режасига мувофиқлиги тўғрисидаги Бошқаруving хисоботларини эшитиш;

24) ҳар чорақда банк ички аудит хизмати раҳбарининг Бошқарув томонида банкнинг бизнес-режаси, стратегиялари ва бошқа ички сиёсатлари бажарилиши тўғрисидаги хисоботларини эшитиш;

14. Уставнинг 11.3.-банди куйидаги мазмундаги 27 – 32 кичик бандлари билан тўлдирилсин:

27) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

28) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

29) банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

30) банкнинг бошқаруви устидан куйидагича назоратни амалга ошириш:

а) банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушуниришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

б) банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

в) бир йилда камда бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига хисобот тақдим этиш;

31) йиллик молиявий хисоботларни дастлабки тарзда тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

32) банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонида капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

15. Уставнинг 13.3.-банди 2 ва 3 кичик бандлари куйидаги тахрирда баёти қилинсин:

2) банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажаради, шунингдек банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва банк кенгашига бажарилган ишлар, банкк нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги хисоботни даврий равишда тақдим этади;

3) банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида тақсимлашни таъминлайди;

16. Уставнинг 13.3.-банди куйидаги тахрирдаги 15 ва 16 кичик бандлари билан тўлдирилсин:

15) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлайди, бошқаради, мониторинг қилади ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этади, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга оширади;

16) банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

17. Уставнинг 14.1.-банди куйидаги жумла билан тўлдирилсин:

Марказий банк банк кузатув кенгашининг ва бошқарувиинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришинидан олдин келишиб олади.

Кузатув кенгаши раиси



Ли Бюнг Хо



“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида
2021 йил “23” март да
512 - сон билан руйхатга олинган

Марказий банк
Раисининг биринчи ўринбосари
Б. Э. Захидов



**“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ
акциядорларининг I-навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2021 йил 26 февралдаги
қарори билан тасдиқланган баённома

Банк Кенгаши Раиси



Ли Бюнг Хо

**“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилаётган ўзгартиришлар матни**

1. Уставнинг 11.6-банди куйидаги тахрирда баён қилинсин:

11.6. Мукофот ва ҳақ. Банк Кенгаши аъзоларига Банк номидан олиб борган иши учун мукофот ва ҳақ тўланади. Банк Кенгаш аъзоларининг Кенгаш йиғилишларида иштирок этишлари ва Банкдаги бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган барча харажатларни қоплайди. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун мукофот пули миқдори Банк самарадорлигига қараб Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Кузатув кенгаши раиси



Ли Бюнг Хо



“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида
2021 йил “22” сентябр да
5/3 - сон билан рўйхатга олинган



Марказий банк
Раисининг биринчи ўринбосари
Б.Э. Захидов

**“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ**

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ
акциядорларининг 2-навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2021 йил 30 августдаги
қарори билан тасдиқланган баённома

Банк Кенгаши Раиси

Янг Сеунг Веон



Илова

**“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилаётган ўзгартириш матни**

1. “КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Уставининг 1-илоvasидаги “Яккасарой” сўзи “Ойбек” сўзи билан алмаштирилсин.

Банк Кенгаши раиси



Янг Сеунг Веон

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг

Марказий банкида


2023 йил “ 16 ” ИЮН да

5/4 - сон билан рўйхатга олинган

Марказий банк

Раисининг биринчи ўринбосари

Н. Н. Сайдуллаев



**“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ

акциядорларининг йиллик умумий

йигилишининг 2023 йил 8 июндаги

қарори билан тасдиқланган баённома

Банк Кенгаши Раиси

Kim Sun Wu

Ким Сун Ву



**“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар матни**

1. Уставнинг 5-бўлими қуйидаги тахрирдаги 5.6-банди билан тўлдирилсин:

“5.6. Банкнинг эълон қилинган акциялари. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида Банк қўшимча чиқаришга ҳақли бўлган, эълон қилинган акциялар умумий қиймати 405 089 043 632 (тўрт юз беш миллиард саксон тўққиз миллион қирк уч минг олти юз ўттиз икки) сўм, номинал қиймати 148,63 (бир юз қирқ саккиз сўм олти миш уч тийин) сўм бўлган, 2 725 486 400 (икки миллиард етти юз йигирма беш миллион тўрт юз саксон олти минг тўрт юз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Қўшимча чиқариладиган акциялар очик ёки ёпик обуна усули билан жойлаштирилиши мумкин.”

2. Уставнинг 11.2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“11.2. Банк Кенгашининг таркиби. Банк Кенгаши банк фаолияти соҳасида малака ва тажрибага эга бўлган беш (5) аъзодан («Банк Кенгаши аъзолари»), шу жумладан уч (3) мустақил аъзодан ташкил топади. Банк Кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Банк оддий акцияларининг жами бўлиб камида бир (1) фоизига эга бўлган ҳар қандай акциядор(лар) акциядорлар йиллик умумий йигилишининг кун тартибига киритиш учун Банк Кенгашига аъзоликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига, бундай номзод кўрсатиш молиявий йил якунлангандан сўнг ўттиз (30) кундан кечикмасдан амалга оширилган ҳолда, эга бўлади. Банк Кенгашининг аъзолари акциядорлар умумий йигилиши томонидан уч (3) йилга сайланади. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. Бошқарув аъзоси Банк Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас. Банк кенгашига ҳар қандай номзодни кўрсатиш (ёки 11.7-бандга мувофиқ чақириб олиш) ёзма шаклда амалга оширилади ва номзодни кўрсатаётган (ёки чақириб олаётган) акциядор томонидан имзоланади ҳамда 2.3-бандда кўрсатилган манзил бўйича Банк офисига етказилади. У мазкур манзилга етказилган санада номзод таклиф этилган деб ҳисобланади.”

3. Уставнинг 11-бўлими қуйидаги тахрирдаги 11.2.1-кичик банди билан тўлдирилсин:

“11.2.1. Мустақил аъзолар. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кузатув кенгаши томонидан акциядорлар умумий йигилиши кўриб чиқиши учун кўрсатилади.

Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;
- жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгаллик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;
- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг

амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

- сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик танкилотининг ходими;
- кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;
- жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;
- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўгиллари, кизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;
- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;
- жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йигилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг ушбу банднинг юқори қисмида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда ушбу банднинг биринчи қисмида белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида тақлиф этилади.

4. Уставнинг 13.2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“13.2. Бошқарув аъзоларини тайинлаш. Бошқарув Раиси Банк Кенгаши қарорига асосан тайинланади ва келгусида Акциядорлар Умумий Йигилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари Банк Кенгаши томонидан тайинланадилар. Бошқарув Раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Банк Кенгаши Раиси имзолайди. Ҳар бир Бошқарув аъзоси билан шартнома Бошқарув Раиси томонидан уч йил муддатга имзоланади ва шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Бошқарув аъзоси бир вақтнинг ўзида Банк Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.”

5. Уставнинг 14.2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“14.2. Банкнинг филиаллари. Банк филиали Банкнинг юридик шахс бўлмаган, Банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва Банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмасидир.

Банк ўз филиалларини Банк Кенгаши қарорига асосан ташкил қилади ёки тугатади ҳамда қонунчиликда ўрнатилган тартибда Марказий банкни бу ҳақида хабардор қилади.”

6. Уставнинг 1-илловаси чиқариб ташлансин.

Банк Кенгаши Раиси



Kim Sun Woo

Ким Сун Ву

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида
2023 йил “22” сентябр да
5/5 - сон билан рўйхатга олинган



Марказий банк
Раисининг биринчи ўринбосари
Н.Н. Сайдуллаев

[Handwritten signature in blue ink]

**“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР**

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ
Банк кенгашининг 2023 йил
7 сентябрдаги қарори билан
тасдиқланган 6-сонли баённома

Банк Кенгаши Раиси

[Handwritten signature: Kim Sun Wu]
Ким Сун Ву



**“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилган ўзгартиришлар матни**

1. Уставнинг 2.1-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“2.1. Банк акциядорлари. Банкнинг акциядорлари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Номи	Рўйхатга олинган оддий акциялар сони	Банкнинг устав капиталидаги улуши
КТБ	2 940 743 000	86,32%
ТИФ МБ	351 221 000	10,31%
Турон банк	114 894 000	3,37%
Жами	3 406 858 000	100%

”

2. Уставнинг 5.2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“5.2. Банк устав капитали. Чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар. Банкнинг устав капиталининг миллий валютадаги қиймати 506 361 304 540 (беш юз олти миллиард уч юз олтмиш бир миллион уч юз тўрт минг беш юз қирк) сўмни ташкил этиб, ҳар бирининг номинал қиймати 148,63 (бир юз қирк саккиз сўм олтмиш уч тийин) сўмга тенг 3 406 858 000 (уч миллиард тўрт юз олти миллион саккиз юз элик саккиз минг) дона оддий акциялардан ташкил топади.”

3. Уставнинг 5.6-банди чиқариб ташлансин.

Банк Кенгаши Раиси

✓ Kim Sun Vu

Ким Сун Ву



“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг

Марказий банкида

2024 йил “ 17 ” март да

5/6 - сон билан рўйхатга олинган

Марказий банк

Раёсатининг биринчи ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев



**“КДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ**

“КДБ Банк Ўзбекистон” АЖ

Акциядорларининг 1-навбатдан ташқари

умумий йигилишининг

2024 йил 28 февралдаги

қарори билан тасдиқланган баённома

Банк Кузатув кенгаши раиси

Сео ИнВон



**“КДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамиятининг
Уставига киритилган ўзгартириш матни**

1. Уставнинг 13.1-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“13.1. Бошқарув. Банкнинг кундалик фаолиятига банкнинг коллегиял ижро органи раҳбарлик қилади. Бошқарув таркиби камида етти нафар аъзодан иборат бўлади («Бошқарув аъзолари»).

Бошқарув Раиси Бошқарув раҳбари ҳисобланади. Бошқарув қарорлари Бошқарув мажлисида иштирок этган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бирор масала юзасидан овозларнинг сони тенг бўлса Бошқарув Раиси ҳал қилиш овозига эга бўлади ва унинг ҳал қилиш овози билан қабул қилинган қарор устуворлик қилади. Банк Бошқаруви мажлисида Бошқарув Раиси ва Бошқарувга сайланган аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этса, Мажлисида кворум ташкил бўлган деб ҳисобланади. Бундан ташқари Бошқарув мажлисида Банк Бошқарув Раиси томонидан тайинланадиган, 10 (ўн) кишидан ортиқ бўлмаган доимий кузатувчилар катнашади.”.

Банк Кузатув кенгаши Раиси

→   Сео Ин Вон

Tikilpaqana ragamlangan

15 (On bek)

Varaadan iborral

2024-VI

Imo

